

Нукусдаги «Халқ хазинаси» марказининг чевар қизлари томонидан тайёрланган Қорақалпоқ миллий-амалий санъат намунаси бўлган каштачилик, дид ва нафосат билан қайта тикланган рўмолчалар, гилофлар ва эсдалик буюмларига қизиқиш катта бўлмоқда.
— Марказимиз 1997 йили ташкил этилди, - деди қорхона бошлиғи Дина Мейлибоева «Туркистон-пресс» муҳбирига. — «Британия Кенгаши» томонидан олинган кредит ҳисобидан янги ишчи ўринлари очдик. Бугунги кунда марказимизда 15 нафардан зиёд аёллар меҳнат қилмоқда. Маҳсулотларимиз хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётир.
Марказ маҳсулотларини ҳатто Англия музейи учун сотиб олинган қорхонанинг бу борадаги улкан муваффақиятларидандир. Бугунги кунда бу маҳсулотлар нафақат Қорақалпоғистонда, балки барча вилоятларда, шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳам сотилмоқда.



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 21 октябр, шанба №155 (987)

**БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

20 октябр кuni Оксаройда пахтачилик соҳасига бағишланган йиғилиш бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов раислигида ўтган мазкур йиғилишда Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари иштирок этди.

Бу йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун нисбатан оғир келди. Жумладан, пахтачилик соҳасидаги қийинчиликлар яққол кўзга ташланди. Бободехқон пахта бекорга инжиқ ўсимлик, деб таърифламади. Сабаби, унинг парваришидаги ҳар бир хато ва камчилик ҳосил чўғига таъсир этмай қолмайди. Пахта, айниқса, сув камчилиги кўтара олмайди. Шу маънода, бу йил пахтачилик соҳасида дуч келинган муаммоларнинг сабабларини тушуниш мумкин.

ПАХТАЧИЛИККА БАҒИШЛАНДИ

ви ҳисобланади. Аммо кўп вилоятларда оддий ҳақиқат бўлган ушбу ишларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилди. Жумладан, баъзи вилоятларда май ойда ҳам пахта экиш давом эттирилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Ҳолбуки, ҳозир Ўзбекистонда замонавий пахтачилик марказига айланган Андижонда бу юмуш апрел ойигача удалаб бўлинган эди.
Шудгорлашда ҳам талай камчиликлар мавжуд. Охириги уч йилда ер ҳайдашни кечки баҳоргача давом эттириш ҳоллари кузатилди. Бунинг устига, 40-45 эмас, 20-25 сантиметр чуқурликда ҳайдаш ҳоллари жуда кўп учради.

Бу эса, ўз навбатида, пахта ҳосилдорлигининг пайсига олиб келди.
Йиғилишда Ислоҳ Каримов бундай ҳолатларни қаттиқ танқид қилиб, жорий йилда шудгорлашни 15 декабргача тўла яқунлаш лозимлигини қайд этди.
Президент ҳукуматнинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид қарорлари тўлиқ бажарилмаётганига ҳам эътиборни қаратди. Шу билан бирга, давлати муҳофаза қилинган мавжуд техникадан унумсиз фойдаланилаётганидан ҳам ташвиш билдирди. Қўллаб-қувватлаш зарурлигини кеч бошлангани, бунинг натижасида, ҳатто, биринчи терим ҳосили ёмғирга қолиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин?
Ислоҳ Каримов Андижон тажрибасини таҳлил ва тарғиб қилиш лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Маълумки, янги технологияларнинг пахтачиликка тadbiq этилиши, биринчи навбатда, чигитни плёнка остига экиш туфайли жорий мавсумда мазкур вилоятда ҳосил барвақт этилди ва мўл бўлди. Бунинг самараси ўлароқ, андижонликлар сентябр ойдаёқ давлатга пахта сотишнинг шартномавий режасини удрдалди.
Шу ўринда яна бир муаммо хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Жиззахда ишлаб чиқарилаётган плёнка вилоятларга эҳтиёж дара-

суствлиги, ташаббус этишмаслигини кўрсатиб ўтди.

— Ота-боболаримиз юзлаб йиллардан буюн ғўза ўстириб келди, - деди Президент. - Шу сабабли уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш керак.
Йиғилишда кузги экишни 7 ноябргача ниҳоясига етказиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йил қишлоқ хўжалиги соҳасида дуч келинган қийинчиликлар Яратганининг деҳқонларга синовини бўлди. Улар ушбу синовдан эсон-омон, ёруғ юз билан чиқиб олиши зарур. Агар қийинчиликлар олдида саросимага тушилса, кейинги мавсумда янада машаққатлироқ бўлиши тайин.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЮЗ ЁШДАН ЎЗГАН МОМОЛАР

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Термиз шаҳрининг сўлим масканларидан бирида 30 дан зиёд 100 ёшдан ошиб, умридан барака топган табарруқ момоларни тўплади. Уларни вилоят ҳокими Муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ш.Норбоева кутлади. Ёшларни миллий урф-одатлар руҳида тарбиялашда момолар ўғити бекиёс аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Олтин куз неъматлари билан безатилган дастурхон атрофида момоларнинг ривоятларга тўла суҳбати бошланди. Улар асрдан ортиқ умрлари давомида кўрган-кечирганларини бугунги турмушлари билан қиёслаб, юрт тинчлиги, мамлакат ободлиги, эл-улуснинг аҳил-инок турмушидан шукроналик изҳор этишди.

Кексалар орасида Шўрчи туманидаги қадим ва машҳур Далварзин қишлоғидан келган 117 ёшли Холбис момо Менгрон қизи ҳам бор эди. Момони бу ерга унинг 80 ёшли қоралаган тўртинчи фарзанди Мамадиёр бобо, 62 ёшли кичик қизи Ойхона бошлаб келиши. Уларнинг айтишича, Холбис момо умрида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган. Колхозда ишлаган. Уч нафар ўғлини фронтга кузатиб, улардан бирига аза очган.

Момонинг 5 ўғил, 5 қизидан 400 дан ортиқ неварани, чеварани, эвара, ҳатто, удулма бинаон «бегона»лар тарқатган.

Момолар гурунгида қатнашган Ангор туманидаги «Мустақиллик» жамоа хўжалигида яшовчи 108 ёшли Гулшомол момо Абдурахмонованинг ҳам умри ҳалол меҳнат билан ўтди. У сувчи, соғувчи, кетмончи, теримчи - қўйингки, ҳамма ишни қилди. Онахон эндиликда қизлари, неварачеваралари ардоғида.

Момолар гурунги узоқ давом этди. Уларга аталган куй-қўшиқлар янгради, совға-саломлар улашилди. Учрашув сўнггида момолар юртимизга тинчлик, юртимизимизга узоқ умр, халқимизга фаровон турмуш тилаб, дуога қўл очиди.

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда иқтисодиёт тармоқларининг 2000-2001 йиллар куз-киш даврида ишлашга тайёргарлиги ҳам кўриб чиқилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқарги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, банклар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўқитиш Сўлтонулов бошқарди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари У.Исмоилов, А.Исаев, В.Отаев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари А.Жўраев, Адлия вазирини А.Полвонзода, «Узпаррандасаноат» уюшмаси раҳбари А.Валоев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А.Тожиёв, Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов, Коммунал хизмат вазирини Г.Мухаммедов, Соғлиқни сақлаш вазирини Ф.Назиров, Халқ таълими вазирини Р.Жўраев ва бошқалар сўзга чиқди.

Йиғилишда иқтисодиётнинг муҳим соҳалари ва тармоқларида ислохотларни чуқурлаштириш, макро-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга оид тадбирлар амалга оширишга қайд этилди. Иқтисодий тараққиётга, инфляция даражасини пасайтиришга, давлат бюджети балансини сақлашга, ташқи савдо балансининг ижобий салдосига эришилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги ички маҳсулот ўсиши 104,2 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш эса 7,4 фоизга кўпайди. Чакана товар айланиши ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиши тегишли равишда 5 ва 13,8 фоизни ташкил этди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ўтган йилга нисбатан икки баравар кўпайди.

Ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қорхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ортди. Саноатда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.
Қайд этилганидек, шу йилнинг 9 ойи мобайнида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётга 469,3 миллиард сўм инвестиция жалб

Хўжалигимиз туманидаги сертармок, иқтисодий юксалаётган жамоалардан. Жорий йилда пиллачилик, галлачилик бўйича шартномавий режалар бажарилди.

«Ўзбекнефтьгаз» қорхоналарида ва қатор бошқа қорхоналарда акцияларни сотиш ишлари суст бормоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, турар жой-коммунал соҳасида, уйни хусусийлаштириш ва монополиядан чиқариш борасидаги расмиятчилик ҳали бартараф этилмаган. Шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида пудратчилик фаолиятини рағбатлантириш борасидаги чоралар етарли эмас. Айрим ҳудудларда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни амалга оширишда айниқса, фермер хўжалиқлари ва пудратчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда чек тизимидан фойдаланиш борасида жиддий камчиликлар бор.

Вазирликлар ва идораларга Вазирлар Маҳкамаси мажмуалари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ва турар-жой коммунал хўжалик соҳаларида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш кўзда тутилган тақдирда, ҳукумат қарорлари ва дастурлари лойиҳаларини киритиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан республикадаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Иқтисодиёт тармоқларини куз-киш даврида ишлашга тайёрлаш масаласини муҳокама қилиш жараёнида шу нарса қайд этилдики, республика қорхоналари ва ташкилотларида электростанциялар ва қорхоналарнинг узлуқсиз ишлаши учун суяқ ва қаттиқ ёқилғининг етарли захираси яратилмоқда. Енгиини қарши идоралар билан биргаликда турар-жой, бинолар ва иншоотларнинг ҳолати ҳамда уларнинг техник талабларга жавоб бериши ўрганиб чиқилмоқда.

Мақтаблар, бочқалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, касалхоналар, поликлиникалар, қорхона ва муассасаларни таъмирлаш ва қиши шароитда ишлашга тайёрлаш тугалланмоқда. Локоматив ва вагон хўжалигини, автотранспортни куз-киш даврида ишлашга тайёрлаш, нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, кўмир ва туз ташиниши узлуқсизлигини таъминлаш бўйича чоралар қўрилмоқда.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига куз-киш даврида иқтисодиётнинг узлуқсиз ишлаши таъминлаш бўйича барча зарур ишларни яқунлаш вазифаси топширилди. (ЎЗА).


Сўз — касабани уюшма етакчисига ИЗЛАНИШ, ОМИЛКОРЛИК — ШИОРИМИЗ



да дивидентлар ҳам берилди. Бугун-эрта мева, узум, картошка, сабзавот сотиш бўйича ҳам шартномавий режалар адо этилади.
Олтин кузнинг ҳар дами фанимат. Астойдил ҳаракат қилганимиз туфайли 15 октябргача 515 гектар майдонга бошоқли галла экишни ниҳоясига етказдик.

Туманимиз азалдан уста пахтакорлар, миришкор бобону-соҳибкорлар юрти. Уларнинг аъналарини бугунги авлод вақиллари ҳам давом эттириб, кам бўлишмаяпти. Меҳнатидан барака топиб, рўзгорини бутлаб, эртанги кунга комил ишонч билан қараётган юртдошларимиз истиқлол берган имкониятлардан мамнунлар. Элга ош тортиб, тўйини тўйларга улашмоқда улар.

Жалолiddин ОТАХОНОВ,
Чортоқ туманидаги «Ойқирон» ширкат хўжалиги касабани уюшма кўмитаси раиси.



ҲАЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ҲУЖЖАТИ

Навоий шаҳрида «Судлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят, шаҳар, туман прокурорлари, судьялар, адвокатлар, адлия бошқармаси ходимлари иштирок этди.
Йиғилганлар «Судлар тўғрисида»ги қонун ҳамда қонунот ва фуқаролик процессуал кодекслари киритилган қўшимча ва ўзгаришлар, умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, халқ фикрини ўрганиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди.
Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси судьялар ассоциацияси раиси, Олий Мажлис депутаты Абдил Тўхташев маъруза қилди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Самарқанд вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилояти ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, молия бошқармаларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вақиллари иштирок этди. Йиғилишнинг Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитасининг раиси Абдурафиқ Аҳадов олиб борди.
Анжуман иштирокчилари муҳокама этилаётган янги қонун лойиҳасини мазмунан бойитиш, унга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди. (ЎЗА).

Газета саҳифаланаётганда:

МАНЗИЛГА ЕТМАЙ... ТУШИБ ҚОЛИШДИ

Асримизнинг сўнгги чемпионати — Осиё кубоги учун баҳслар ўта қизгин паллага кирганда у ўзбекистонлик футбол муҳлислари учун таъриҳга айланиб қолди. Гуруҳда ўтказилган уч учрашувда атғи бир очко тўплаб, тўплар нисбатига кўра ҳам иштирокчилар орасида энг шармандали натижа (2:1)га «эришган» терма жамоамиз Ливанни эрта тарк этадиган бўлди.
Охириги умидимиз ҳам пучга чиқди. Саудия Арабистони «чарм тўп» усталарининг шиддатли хужумларига шундоқ ҳам аввалги ўйинларда чок-чокидан сўқилиб кетган ҳимоя чизгимиз дош беролмади, тўпурарларимиз эса яна сусткашликка йўл қўйишди. Ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди: 0:5.
Изоҳга ҳожат йўқ.

ТИЛНИНГ ҚАДРИ — ЭЛНИНГ ҚАДРИ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам ўн бир йил тўлди. Бу давр ичида тилимизнинг обрў-эътибори қайта тикланди. Қонуннинг 1-моддасида қайда этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тили экани амалда ўз ифодасини топди. Мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли анжуманлар, мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар Давлат тилида олиб борилмоқда. Турмушимизга тил орқали ўзбекона рух киргани ҳеч кимга сир эмас.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан буён Ўзбекистонни, ўзбек халқини ва унинг тилини жаҳон таномига олиб келди. Мустақил давлатимиз мадҳияси дунёнинг турли бурчақларида янграмоқда. Яқинда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиадада давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганида нафақат Олимпия чемпиони боксчимиз Мухаммадқодир Абдуллаев, балки бутун ўзбекистонликлар қалби фахр-ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошди. «Мухаммадқодир кўксидан олтин медал билан голиблик шохсупасида мағрур турганида, унинг шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилганида, унинг тисолида халқимизнинг куч-қудрати, шижоат ва матонати намойён бўлди, десам асло хато бўлмайдими», — деди она тилимизнинг фидойиси, Юртбошимиз Ислам Каримов.

Дунё халқлари орасида ўзбек тилини ҳам бошқа тиллар сингари ўрганишга қизиқувчи их-

роактеристика» ўрнига «тавсифнома» сўзларини ишлатсак бўлади-ку!

Давлат тили тўғрисидаги Қонунга қандай риоя қилаймиз?

Ушбу Қонуннинг 20-моддасида шундай дейилади: «Лавҳалар, эълонлар, нархнома-лар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари Давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин».

Афсуски, айнан жамоатчиликнинг эътибори кўпроқ тушадиган жойларда Қонуннинг ушбу талабларига ҳамisha ҳам амал қилинавермайди. Халиям айрим маиший, маданий ва маърифий шохобчалар пештоқларида «продукты», «морозеное», «спецодежда», «сантехника», «стройматериалы», «женская одежда», «дом мебели», «всё для дома», «парикмахерская», «салон красоты», «аптека», «оптика», «стоматология», «библиотека», «книжная» каби ёзув-лавлар муқим турибди.

Юқоридаги модданинг мантиқий давоми сифатида Қонуннинг 21-моддасида: «Корхоналарда ишлаб чиқариладиган махсулот Давлат тилида ва бошқа тиллардаги ёрликлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланади» дейилган. Таассуфлар бўлсинки «Ўзметвазоб-тузуумсанот-хондиг» томонидан ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимлик-

(Давоми 4-бетда).

2000 йил — Соғлом авлод йили

«УМУМИЙ ТУЗУЛТИЛАТ» санаторийсида даволаш-ташхис маркази очилди

Шу куни шифо масканида байрамона руҳ ҳукронлик қилди. Шифокорлар ва айниқса, фарзанд кўриш умидида бу ерга келган кишиларнинг қувончи чексиз эди. Бойси унча-мунча жойда бўлмаган даволаш-ташхис мажмуиси ишга туширилди. Замонавий талаблар асосида қурилган кўркам, барча қўлайликларга эга бўлган масканга қадам ранжиди қилишимиз билан қалбингизга илиқлик югуради. Хоналар ёруғ,




чилар ўта муҳим, савобли ишга дахлдор эканликларини қалбдан ҳис қилиб, дақиқалар қадрига етиб ишладилар. Шу боис даволаш-ташхис маркази нисбатан қисқа муддатда ишга туширилди. Республика «Соғлом авлод дастури»га киритилган бу шифо маскани қанчадан-қанча кишиларнинг эзгу ниятлари рўйбга чиқишида алоҳида рол ўйнайди.

— Умрдошим билан беш йилдан буён фарзанд кўриш орузида яшая-



озода. Шифокорларнинг таъкидлашларича, чет эллардан келтирилган энг нодир асбоб-ускуналарга эга бўлинди. Боз устига ҳар бир хона ажайиб мебеллар, стол-стуллар, гиллавлар билан жиҳозланган.

Мажмуа Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташкилотчилигида касабаси уюшмалари ижтимоий-суғурта маблағи ҳисобидан бунёд этилди. Қўли гул қурув-



миз, — дейди даволанувчилардан бири, — жуда кўп шифокорларга, яширмайман ҳатто табибларга ҳам учрадим. Бироқ натижа бўлмади. Шунда тажрибали шифокорлар «Умид гулшани»га боришни маслаҳат беришди. Янглишмаган эканмиз. Ўз касбининг усталари Ш.Муродова, Х.Норматова, А.Миролимовлар даволашнинг энг замонавий усулларини қўллаб мен каби қанчадан-қанча аёлларни фарзандли бўлиш бахтига мушарраф этдимокда. Янги, ҳавас қилса арзигulik мажмуанинг ишга туширилиши республикаимиз ҳукумати, касабаси уюшмаларининг халқимизга соғлом авлод йилидаги бебаҳо совғасидир.

Ю. ГУЛОМОВ.
Суратларда: шифо масканида фойдаланишга топширилган энг даволаш-ташхис марказининг очилишидан лавҳалар.
КАМОЛ ТўРАЕВ олган суратлар.

Дил изҳори

ВАТАНИИ УЛУГЛАШ ЭНГ КАТТА ОРЗУМИМ

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети талабаларининг юрак сўзлари ана шундай.

— Инсон учун Ватандан муқаддас гўша бўлмайди. Ватанини севмаган, уни асрамаган киши унинг тулроғида яшашига маънан ҳаққи йўқ, — деди ТошДТУ маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Улуғбек Ҳайитов «Туркистон-пресс» мухбирига. — «Огоҳлик» шiori остида ўтказилган кечамизда асосан шулар ҳақида сўз борди. Ёши улуг мураббийлар ва ўқитувчилар ёшларга Ватанга хиёнат қилганларнинг оқибат кўрмаганлиги ҳақида гапириб бердилар.

Кечага таширф буюрган Тошкент шаҳар имомхатиби Анвар қори Турсунов сўзга чиқиб, Ислам дини ота-боболаримиздан бизга мерос қолган муқаддас дин. У одамларни меҳр-муруватга, имон-эътиқодга, инсофу дёнбатга қорлайди, деди. Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳадисларида ҳам ватанини севмоқ йимондан эканлиги, қон тўкишининг гуноҳлиги таъкидланади. Ҳозирги кунда дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган ваҳобийлик ва «Хизбут-Т-Тахрир» оқимлари халқимиз тинчлигига раҳна солаётир.

Кечада минг нафарга яқин талаба иштирок этди. Ибротли ўғитлардан руҳланган талабалар ҳам сўзга чиқиб, ўз она дёнларини нақадар қуқур муҳаббат билан севиларини изҳор қилдилар. Ва улар бир овоздан «Биздан ватанфурӯшлар чикмайди», деб устозлари олдида сўз беришди.

«Туркистон-пресс»

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР


Марказий банк ҳузурида таниқли иқтисодчи олимлар ва банк мутахассислари иштирокида ташкил этилган Илмий кенгаш «Иқтисодий ёшларнинг эркинлаштириш ва банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш» мавзусида мунтазам равишда илмий-амалий семинарлар ўтказиб келмоқда. Мазкур семинарнинг иккинчи босқичида республикаимизнинг барча ҳудудларидан иқтидорли ёшлар ўз илмий маърузалари билан қатнашди.

Қизгин илмий мунозара руҳида ўтган анжуман якунлари бўйича танлаб олинган 9 нафар қатнашчига Банк молия академиясига йўлланмалар берилди, уларни банк тизими раҳбар ходимлари захирасига киритиш тавсия этилди ва илмий мураббийлар тайинланди.

«МАҲАЛЛА ВА СОҒЛОМ ОИЛА»

Ўзбекистон репродуктив саломатлик уюшмасининг Ҳоразм вилоятида ташкил этилган филиали «Каунтерпарт Консорциум» халқаро жамғармасининг (АҚШ) молиявий ёрдамида «Маҳалла ва соғлом оила» деб номланган лойиҳани амалга оширишга киришди.

— Маҳаллий аҳолининг аксарияти воёға етмай турмуш қуриш ёқи қариндошлик ниқобларидан туглажак фарзандлар учун юз бериши мумкин бўлган салбий тиббий-биологик оқибатлардан хабардор. Шунга қарамай, бундай оилаларни эътироф этувчилар ҳам оз эмас. Хусусан, Урганч ва Хива шаҳарларининг қатор маҳаллаларида махсус семинар-суҳбатлар доирасида ўтказилган мазкур мавзуда сўровлар натижаси ҳам шундан далolat беради, — дейди вилоят филиали раҳбари, лойиҳани Ҳоразмда амалга ошириш координатори Лола Эрнйёзова. — Шу боис бу хусусда



(ЎЗА).

Ўзбекистон ва Украина «Европа—Кавказ—Осиё» транспорт робитаси тизимини ишлашига, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, хавфсизлиги ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тегишли келишилган ҳамда ўзаро мақбул чоралар кўриш орқали ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

ГУУОМ бирлашмаси ўзаро ишонч ва хавфсизликни ривожлантириш ҳамда мустақамлаш асосига қурилган бўлиб, янги ривожланиш босқичига кирмоқда. Унинг моҳияти иқтисодий ҳамкорликни тубдан чуқурлаштириш, хусусан, бирлашма доирасида эркин савдо режими барпо этиш бўйича ишни фаоллаштиришдан иборат. Маълумки, яқинда Остонада Божжона ит-

тифоқиға (1994 йил имзоланган) аъзо мамлакатлар — Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Божжона иттифоқини Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига айлантириш тўғрисида келишувга эришилди. Бу ҳужжат ГУУОМнинг фаолиятига таъсир этмайди. Айни пайтда бир қатор мустақил матбуот органлари ёзаётганидек, ГУУОМ Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига қарши мақсадда тузилмаган. ГУУОМ, бу — тенг ҳамкорлик йўли, бу — ишонч, бу — Европа ва Жаҳон бозорига чиқиш, бу — Европа билан Осиёнинг энг яқин макони орқали транспорт-транзит имкониятларини барпо қилиш ва энг муҳими, ГУУОМ, бу — эркин савдо тизимини яратиш демакдир. Унинг халқаро миқёсдаги аҳамияти ҳам бор. Ушбу бир-

ЭЪЗОЗ ЭХТИРОМ ИФОДАСИ

Халқимиз азал-азалдан устозларга айрича муносабатда бўлган. Уларни ота-онадек азиз қўрган. Не-не ранжу-алам билан бир харф ўргатган муаллим қошида ҳамisha таъзим бажо келтирган. Бу хурмат-эҳтиром, айниқса, Истиклол йилларида чуқур илдиз отди. Хусусан, Президентимиз Фармони билан ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланишини инсоний тарихидаги устозларга бўлган эҳтиромнинг ажайиб қонуний ифодаси деб айтиш мумкин.

кўрик-танлови вилоят босқичида қолиб қолдилар. Улар айни кунларда республика миқёсидаги мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришмоқда.

— Туманимиздаги мактабларнинг аксарияти вилоят миқёсидаги турли мусобақа ҳамда тадбирларда мунтазам равишда фаол қатнашиб келмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Чори Мустафоев. — Ўтказилаётган тадбирлар, шубҳасиз, пухта билим олиш йўлидаги муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шўрчи туманида ҳам сўнгги йилларда халқ таълими ходимларига кенг қўлайликлар яратилиб, уларнинг шарафли меҳнатлари муносиб қадр топмоқда. Бундан руҳланган туман халқ таълими бўлими қарашли 55 та ўрта умумий-таълим мактаблари ҳамда 28 та мактабгача тарбия муассасаларида фаолият юритаётган мураббийлар ёшларни мустақилликни мустақамлаш, юртга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашмоқда.

Айниқса, ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилган вилоятдаги ягона тарих фанига ихтисослашган қадим Далварзинтепа яқинидаги 43-мактабда олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Айни кунларда узок тарихдан, қадим ота-боболарини хайтидан ҳикоя қилувчи Далварзинтепа осори-атикалар мактаб музейининг энг нодир экспонатлари сифатида барчанинг диққат-эътиборида.

8-мактабгача тарбия муассасада ҳам ишлар намунали ташкил этилган бўлиб, бу масканда жажжи болажонларга энг малакали мутахассислар тарбия беришмоқда. Шу боис ҳам мазкур маскан тарбияланувчилари бу йил «Севимли ўйинқоқлар»

Дарвоқе, муваффақиятлар ўз-ўзида ташкил этилган вилоятдаги ягона тарих фанига ихтисослашган қадим Далварзинтепа яқинидаги 43-мактабда олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Айни кунларда узок тарихдан, қадим ота-боболарини хайтидан ҳикоя қилувчи Далварзинтепа осори-атикалар мактаб музейининг энг нодир экспонатлари сифатида барчанинг диққат-эътиборида.

8-мактабгача тарбия муассасада ҳам ишлар намунали ташкил этилган бўлиб, бу масканда жажжи болажонларга энг малакали мутахассислар тарбия беришмоқда. Шу боис ҳам мазкур маскан тарбияланувчилари бу йил «Севимли ўйинқоқлар»

Тўлкин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

шарҳ ТОМОН ИНТИЛИШ

кайфиятдан қутула олмаётган, уларнинг минтақада ўз таъсирини сақлаб қолишга интилиши ҳам асосий тўсиқлардан саналади.

Шундай муаммолар бор бўлса-да, ГУУОМ доирасидаги ҳамкорликни мустақамлаш истиқболлари етарлидир. Ушбу ташкилот тарихидаги муҳим босқич сифатида унга аъзо давлатлар раҳбарларининг Нью-Йоркда, БМТнинг «Минг йиллик саммити» доирасида ўтказилган учрашувини алоҳида таъкидлаш лозим. Учрашув ниҳоясида беш давлат президентлари томонидан қабул қилинган Нью-Йорк Меморандуми ГУУОМнинг энг муҳим қўша ҳужжати. Бу ҳужжат кўп томонлама

ҳамкорликни амалда кўп погонали қилишни кўзда тутади. Яна бир муҳим жиҳат. Меморандум ГУУОМ доирасида сиёсий, иқтисодий, транспорт, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Нью-Йоркдаги учрашув чоғида ГУУОМ миқёсида эркин савдо тартибини яратиш мақсадида иш бошлашга келишиб олинди. Қуни кеча ўтказилган олий даражадаги Ўзбекистон-Украина музокаралари амалий ҳаракатларнинг ёркин қўрилиши. Ҳар икки давлат президентлари томонидан қабул қилинган Қўша Баёнотда таъкидланганидек, «Нью-Йорк Меморандуми» қондаларига амал қилиб,

ТИЛНИНГ ҚАДРИ — ЭЛНИНГ ҚАДРИ

(Боши 3-бетда).

Қонуннинг 10-моддасида: «Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юртиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари Давлат тилида юртилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин», дейилган.

Бу ҳужжатлардагина Қонунга риоя этиш дегани эмас. Ташкилотлар, муассасалар, корхоналарда ишловчи барча ходимлар озгак нутқда ҳам давлат тилига риоя этишлари керак. Ҳар ким ўз ишига тегишли бўлган атамаларни ўз нутқда ўзбекча қўлай билса, тилимизнинг янада такомиллашуви ва бойишига хизмат қилган бўлади. Бунинг учун эса «справка», «рекомандация», «бланк», «грамота», «путёвка», «ордер», «выговор», «доверенность», «штраф» ва бошқа шу

каби сўзларни ишлатишдан аввал ўзимиз тийишига ҳаракат қилишимиз лозим.

Кўпчиликни ташвишлантираётган муаммолардан яна бири — исми-фамилияларнинг ёзилиши масаласидир. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 15-моддасида ҳам бунга алоҳида ургу берилган. Яъни, Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исмини, отасининг исми ва фамилиясини миллий тарихий аънаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, Гулямов, Қадиров, Джураев, Ходжаев каби фамилияли кишилар энди ўз фамилиясини Гуломов, Қодиров, Жўраев, Хўжаев тарзида ўзгартириб олиши мумкин. Бироқ паспорт бўлимларида, нотариал идораларида, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бунга етарлича эътибор берилмапти.

Она тилимиз билан боғлиқ муаммолар таълим соҳасида ҳам кўзга ташланиб қоляпти. Айрим домлалар илгари рус тилида олган

билимларини эндиликда талабаларга ўзбек тилида етказишга қийналишаётгани кўпчиликка сир эмас. Баъзи бир олий ўқув юрларида талабалар ҳамон рус тилидаги адабиётлардан фойдаланишга мажбур бўлишяпти. Ўзбекча атамаларни ҳаётга татбиқ этиш қийин кечаётган бир пайтда, кўплай олий ўқув юрлари ҳарбий кафедраларида дарслар ханузгача асосан рус тилида олиб бориляпти. Ўзбек тилини ўрганиш, қолаверса, бошқа миллат ва элатларнинг тилларини ҳам ривожлантириш учун мамлакатимизда етарли шарт-шароит мавжуд. Бу борада Қонуннинг 4-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг худудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади.

Фуқароларга давлат тилини ўрганиш бепул амалга оширилади». Ҳозирги пайтда фарзандларимизга инглиз, немис, хитой, япон, испан ва бошқа тилларни пул тўлаб ўргатаётганимизни ҳисобга олсак, бу модда юртимизда яшовчи бошқа миллат вакилларининг давлат тилини ўрганишлари учун катта имконият яратди.

Қолаверса, ҳар қандай миллат вакилининг тили ҳурмат қилиниши, унинг ривожини учун етарли шарт-шароит яратилиши масаланинг қанчалик адолатли ҳал этилаётганини кўрсатиб турибди. Давлат тили билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун Қонунда барча кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Шундай экан, она тилимизнинг қаддини ва қадрини кўтаришда барчамиз бирдек фаол бўлмоғимиз лозим. Зеро, мамлакатимизнинг Давлат тили ҳақидаги Қонунини бажаришга ҳаммамиз баб-баробар бурчимиз.

Иматулла МАМАНОВ, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Мунофиқда уч аломат бор: сўзлаганда ёлгон гапиради; ваъдасига вафо қилмайди; омонатга хиёнат қилади.

Ҳасадчида уч аломат бор: сенинг ҳузурингда хушомадгўйлик қилади; йўқлигингда ғийбатингни қилади; агар бирор кишига мусибат ё бир ғам етса, шодланади.

ЎГИТЛАР

Оқилда уч фазилат бор: бойликка ружу қилмайди, жафо кўрса, чидайди; қийинчиликка сабрли бўлади.

Эзгу ниятли кишида уч фазилат бор: тоати-ободатда ибрат кўрсатади, гуноҳлардан сақланади, ёмонлик қилган кишига ҳам ёхшилик қилади.

Бадқорда уч аломат бор: Аллоҳ таолога ибодат қилишни унутди; унинг бандаларига кўполик қилади; ёхшилик қилган кишига ҳам ёмонлик қайтаради.

Беш нарса дилни хароб қилади: кўп ёмоқ, кўп ухламоқ, кўп кулмоқ, дунё орттириш ғамида юрмоқ ва ҳаром ёмоқ.

Аҳмоқда уч аломат бор: Аллоҳ таолонинг фармонларини бажо этмайди; сўзларида Худонинг зикри бўлмайди; кўп гапиради ва Худонинг бандалари ордидан ғийбат қилади.

Яхши кишида уч фазилат бор: Аллоҳ таоло ва ўзи ўртасида яхши ҳамда тўғри иш тутайди; ўз гуноҳларидан тавба қилиши ва кечирим сўраш билан покланади; ўз нафсига нимани лозим кўрса, бошқаларга ҳам ўшани истайди (яъни, ўзига раво кўрган нарсасини бошқаларга ҳам раво кўради).

Касаба уюшма спорти

МАЙДОНДА ОИЛАВИЙ ЖАМОАЛАР

Меҳнатқашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, меҳнат жамоаларида спорт оммавийлигига эришиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

«Тўқимачи» стадионида ўтказилган Енгил, мебел саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар кўмитасининг «Соғлом авлод йили»га бағишланган «Отам, онам ва мен» деб номланган оилавий спартакиадаси ўқоридаги фикримизнинг яна бир исботи бўлди.

Мусобақаларда иштирок этган 15 та оилавий жамоа эстафетали югуриш, узунликка сакраш, ядро улоқтириш, теннис коптоғини отиш, баскетбол тўпини саватга тушириш бўйича беллашувларда голиблик учун кураш олиб борди. Фоят қизгин баҳсларга, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган, дўстона руҳда ўтган мусобақалар

жihatдан ёрдам бериш эди. Уйлайманки, мақсадларимизга эришдик, - дейди тармокходимлари касаба уюшма шаҳар кўмитаси раиси ўринбосари К.Крафт.

Дарвоқе, мамнуният билан таъкидлаш кераки, оилавий жамоаларнинг мазкур спартакиадасига корхоналарнинг касаба уюшма кўмиталари масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда ёндошдилар. Жумладан, «Тошгаз» бошқармаси оилавий жамоалари мусобақаларга корхонанинг рамзий белгиси бўлган бир хил спорт либосида тушганлиги барча иштирокчилар ва ишқубозлар эътиборини қаратди.

Бир сўз билан айтганда, кичик спорт байрамига айланган оилавий спартакиада барчага унутилмас лаҳзаларни ҳаёт этиб, ёрқин таассурот қолдириш борасида методик

КЎЧМА КУБОКНИНГ ЯНГИ ЭГАСИ

Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент автомобил транспорт ва йўллар институти ўйингоҳларида футбол бўйича фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳри кубоги учун беллашувлар бўлиб ўтди.

Учинчи бор ўтказилган мусобақаларда пойтахтимизда жойлашган олий ўқув юрлари талаба ёшларидан таркиб топган 13 жамоа иштирок этди.

Миллионлар ўйини беллашувларида голиб жамоани аниқлаш осон кечмади. Баҳслар жуда қизиқарли ва муросасиз кечди. Ҳар бир жамоа вакиллари ўз олий ўқув юрти обрўнуфузи учун кескин кураш олиб борди. Ниҳоят, «галвир сувдан кўтариладиган пайт» этиб, муваффақиятли тўп сурган футбол командалари

голиблик шохсупасига кўтарилди. Шундай қилиб, турнир голиблиги Тошкент Шарқшунослик институти жамоасига насиб этди. Тошкент Давлат техника университети жамоаси иккинчи, Ўзбекистон Миллий университети футболчилари эса учинчи ўринни эгаллади.

Голиб ва совриндорларга турнирнинг кўчма кубоги, диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Шунингдек, энг яхши ўйинчи деб топилган футболчиларга ҳам махсус совринлар топширилди.

БОРИБ ТУРГАН МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика Маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда «Тилга ихтиёр — элга эътибор» мавзусида ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг 11

йиллигига бағишлаб ўтказган илмий-назарий ва амалий анжуманида қилинган маърузалар ҳамда музокарага чиққан тилимиз жонкуярларининг фикрларини тинглаб ўтирарканман, беихтиёр кўз ўнгимда айрим кўсур ва нуқсонлар намоян бўлди.

Сиз суратда кўриб турган



Фаргона шаҳар Охунбобоев мавзесидagi аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари пештоқларидagi өзувлар бу ерда қонун талаблари бажарилишига панжа орасидан қаралаётганини кўрсатади.


Назаримда, бундай масканларда ишлаётганлар ҳам, уларга раҳбарлик қилаётганлар ҳам мустақил бўлганимизга тўққиз йил тўлганидан, «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганининг ўн бир йиллигини бутун мамлакат аҳли кенг нишонлаётганидан беҳабар бўлишса керак.

Темир ҚУРБОН, «Ишонч» муҳбири.

ҲОВЛИДА — ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Андижон туманидаги Хартум, Харабек қишлоқларида яшовчи болалар ҳайвонот боғини томоша қилгани узок шаҳарларга бориб юрмасдан, Чилон маҳалласида яшовчи Робияхон ва Билолидин Сатторовларнинг хонадонига кириб кўя қоладилар.

Хонадон сохиблари — эр-хотин ўқитувчилар ҳар хил ўрдак, гозларни, турли қитъалардан келтирилган товуклар, қасдиқ, товус, бедана, каптарларни, сайроқи қушларни, хилма-хил куёнларни меҳр билан парвариш қилиб кўпайтирмоқдалар.




ЎЛКАМИЗДА ОЛТИН КУЗ!

А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган фотолавҳа.

КИТОБ МУАЛЛИФИ — 6-СИНФ ЎҚУВЧИСИ

Асака шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Саодатхон Раҳмонова тўрт ёшидаёқ шеърлар машқ қила бошлаган. Иқтидорли қизалоқ мактабда аъло баҳога ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади, бадиий-ижодий тўғаракка раҳбарлик қилади. Бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига унинг номзоди кўрсатилгани ҳам бежиз эмас.

Яқинда унинг, шеър ҳикоя ва эртаклардан иборат тўплами «Ҳаёт гули» номи билан китоб ҳолида чоп этилди.



БОШҚОТИРМА


ЭНИГА: 5. Ҳозирги Каспий денгизининг аввалги номи. 6. Тутқунликдаги аёл. 8. Оролар тизими. 10. Қўша-қўша либосли сабзавот. 12. Имом Хусайн ўлдирилган кун. 14. Уй ашёси. 16. Монастирь бошлиғи. 18. Қимматбаҳо газлама. 19. Тақсимотда ҳар бир кишига тўғри келган улуш. 22. Думли юлдуз. 23. Газлама қолдиги. 24. Ёзининг яхна ичимлиги. 26. Юзанинг бирор томонга қиялиги. 28. Мураккабгўдошларга мансуб кўп йиллик ўт. 29. Дарахт барглари оралаб тушган парча-парча офтоб нури. 30. Мураккаб, мушкул. 31. Тенг тўрт бўлакнинг ҳар бири.

БЎЙИГА: 1. Республикаимизда нашр этиладиган хотин-қизлар журнали. 2. Шувоқ туркумига мансуб кўп йиллик ўсимлик. 3. Асил зотлилик, аслзода. 4. Сув остини қовлайдиган асбоб. 7. Ўрта асрларда Марказий Осиёда қумушдан зарб қилинган пул белгиси. 9. Икки гилдиракли оддий транспорт воситаси. 11. Ерни ўраб олган газсимон қобик. 13. Халқ достони. 15. Кам учрайдиган қиз болалар исми. 17. Эстониядаги шаҳар. 18. Қўрқмас, жасур, довиорақ. 20. Куз фаслида йиғиб-терилади. 21. Гузал, чиройли ва нозик. 24. Сохта дук-какилар оиласига мансуб хушбўй гулли дарахт. 25. Япониянинг япон тилидаги номи. 27. Мўғуллар ва турклар орасида муомалада бўлган тилла ва қумуш пул. 28. Чаённинг арабча номи.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 151-СОНИДАГИ «ВАЗА» БОШҚОТИРМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энига: 7. Хунолуд. 8. Терапия. 11. Худо. 12. Удоқан. 13. Тициан. 14. Фазо. 15. Қайнота. 16. Атлетика. 17. Эстрада. 20. Айғир. 21. Румий. 24. Арбоб. 25. Ҳашам. 26. Сад. 28. «Аср». 29. Драхма. 30. Хирахандон. Бўйига: 1. Хусумат. 2. Колонна. 3. Турумтой. 4. Теннесси. 5. Фанфар. 6. Ширзада. 9. Мачта. 10. Сирка. 18. Фибра. 19. Гусар. 22. Хожа. 23. Қарс. 27. Дарга. 28. Армон.



ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсуслима: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гуноҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14.002 нуска. Сотузда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 00.15